

Мен мусулмон бўлиб туғилмаганман



19:30 / 20.07.2020 4743

«Ўлимдан сўнг бой ҳам, камбағал ҳам бир хил қабрда бўлади...».

Машҳур футболчи Поль Погба

Поль Погба - Европадаги энг машҳур футболчилардан бири. У 27 ёшида футболчилик фаолиятида катта ютуқларга эришди. Жумладан, Россияда бўлиб ўтган ЖЧ-2018да Франция терма жамоаси билан чемпионликни қўлга киритди.

Мукофотлар ва унвонларнинг кўплигига қарамай, Ислом динига содиқлик унинг шахсияти, кучли феъл-атвори ва меҳнатсеварлигининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Поль Погба асли Ғарбий Африкада жойлашган Гвинея давлатидандир. Маълумотларга кўра, мамлакат аҳолисининг қарийб 90 фоизи Ислом

диниға эътиқод қилади.

Ота-онаси Поль туғилишидан бир неча йил олдин Францияга кўчиб келиб, Парижнинг шарқий чеккасида Ланьи-сюр-Марн шаҳарчасида истиқомат қилишган. Поль, шунингдек, иккита катта эгизак ака-ука - Флорентин ва Матиас, барчаси футболга қизиқишган. Ўғилларининг спортда улкан ютуқларга эришишини истаган ота-онанинг қўллаб-қувватлаши туфайли ака-укалар ўз мақсадларига астойдил киришдилар. Ота-оналар фарзандларини болалар ва ўсмирлар футбол академиясига ўқишга юборишди.

Поль онасига меҳр ва ҳурмат билан муомала қилади. Миннатдорчилик белгиси сифатида у 2018 йилги жаҳон чемпионатидаги олтин медалини онасига тақдим этган.

Поль Погбанинг ҳозирги жамоаси «Манчестер Юнайтед» 2017 йилги Европа Лигасида ғолиб чиққандан сўнг, Маккага умра зиёратига бориб келди. Кейинги йили Жаҳон чемпионатида Франция терма жамоаси билан ўйнашга тайёргарлик кўраётган Погба яна Каъба зиёратига борди.

Ислом дини унга бойлик ва шон-шарафни тўғри баҳолашга ёрдам беради. 2016 йилда Поль Погба дунёдаги энг қиммат футболчи деб топилди. У бу ҳақиқатни исломий камтарлик тамойилига асосланиб шундай изоҳлади: «Ўлимдан сўнг бой ҳам, камбағал ҳам бир хил қабрда бўлади. Шунинг учун, мен бу ҳақда ҳатто ўйламайман. Мен учун Ислом ҳамма нарсадир. Диним туфайли ҳамма нарсдан миннатдорман. Ислом мени ўзгаришга, ҳаётда кўп нарсаларни тушунишга мажбур қилди... Бу менинг ҳаётимдаги энг яхши ўзгариш эди, чунки мен мусулмон бўлиб туғилмаганман... Ислом – терроризм эмас. ОАВда эшитадиган нарсалар аслида бошқа нарса. Бу ажойиб нарса. Ўзингиз кўришингиз мумкин. Ҳар ким ўзининг Ислом билан алоқаси борлигини сезиши мумкин. Менинг мусулмон дўстларим кўп бўлгани учун Исломни қабул қилдим. Биз доим дин ҳақида суҳбатлашамиз. Мен ўзимга кўп саволлар берардим ва кейин шахсий тадқиқотларимни бошладим. Бир куни дўстларим билан намоз ўқидим ва ажойиб лаззатни ҳис қилдим. Ўша кундан бошлаб мен намозимни қанда қилмадим. Сиз кунига беш марта ибодат қилишингиз, Аллоҳга тавба қилиб, мағфират сўрашингиз ва бор нарсангиз учун миннатдор бўлишингиз керак. Бу дин мени жаҳолатдан қутқарди ва яхши инсон қилиб тарбиялади. Мен охират ҳақида кўпроқ ўйлай бошладим. Ислом инсониятга ва ҳамма нарсага ҳурмат динидир».

Islom.uz портали таҳририяти